



Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 17-mart, payshanba,
31 (23.598)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Куз алдамайди —
у борини қўради,
фақат нафс
уни йўлдан уради.
Биз уни шайтон
деб ўзимизни
овутмоқчи ёки
оқламоқчи
буламиз

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz | https://www.facebook.com/zarnews.uz | @zarnews_uz | https://twitter.com/zarnews_uz

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ, вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмасининг 2022 йил 7 январдаги (1-сон) музоаҳаати, вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 1 февралдаги (01/02-38/115-сон) ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 29 январдаги (20/5-05494-сон) хулосаларига асосланиб, **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Куйидагилар:
Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар миқдорлари 1-иловага;

Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага;

Бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш учун тўловларнинг миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов), бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси (Т.Мамадалиев)га:

Бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорлари ҳақида вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплекслари, сотувчи ва харидорлар эътиборига етказилиши, бу ҳақидаги маълумотларни барча кўринарли жойларга жойлаштирилиши ҳамда амалда татбиқ этилиши устидан назорат ўрнатилишини;

кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар янги миқдорларининг тўғри қўлланилиши ҳамда тўлиқ ундирилиши ва бозорлар дарomadларининг белгиланган қисмини маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги "Вилоятдаги бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини белгилаш тўғрисида"ги 12-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги "Ахборот-коммуникацияларини ривожлантириш маркази" (А.Анваров) ушбу қарорнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтга жойлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Вилоят ҳокими

Э.ТУРДИМОВ

2022 йил 15 март № 112-7-0-Қ/22



(Қарор матни ва иловалари билан газетамизнинг www.zarnews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин).

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 11 март куни саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички имкониятларни ишга солиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган муҳокамада ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил этилди.

2021 йил маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятда 47 та лойиҳа бўйича 857 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, прогноз 2,0 баробарга, яъни 417 миллиард сўм ортиғи билан бажарилган. Бироқ 2 та лойиҳа бўйича ҳалигача ишлаб чиқариш бошланмаган. Вилоят ҳокими бу лойиҳалар 2022 йилги дастурга ҳам қўшилганини маълум қилиб, туман ҳокимлари уларни тезроқ ишга тушириш чорасини кўришлари зарурлигини таъкидлади.

Маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг амалга оширилиши таҳлил қилинганда, Булунғур, Оқдарё, Пайриқўм ва Тойлоқ туманларида бу борада бирорта лойиҳа амалга оширилмагани қайд этилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 91,7 фоизи вилоятнинг 3 та ҳудудига (Самарқанд шаҳрида 71,8 фоиз, Нуробод туманида 10,3 ва Ургутда 9,6 фоиз) тўғри келган. Қолган ҳудудларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар мутлақо қоникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятимизда 577,4 миллиард сўмлик 64 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳаларнинг 37 таси ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва 27 таси импорт ўрнини босадиган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу борада Оқдарё туманида маҳаллийлаштириш лойиҳаси режалаштирилмаган бўлса, Каттақўрғон шаҳри, Булунғур, Нарпай, Пахтачи,

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ



Тойлоқ ва Қўшработ туманларида биттадан лойиҳа режалаштирилган, холос.

Муҳокама давомида вилоят ҳокими барча ҳокимлар, сектор раҳбарлари саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни чуқурлаштириш миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг ягона ва

асосий йўли эканлигини тушунган ҳолда ҳафтанинг душанба ва сешанба кунлари бу масалалар билан шахсан шўғулланишлари зарурлигини қайд этди. Шунингдек, ушбу масала ҳар ойда бир марта вилоят ҳокими раҳбарлигида танқидий муҳокама этилиши белгилаб олинди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.



НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОДА

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 15 март куни "Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Унга кўра, маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларини ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нуронийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартибини тақиқлаш юзасидан қонунчиликка ўзгартиш киритилади.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб "Нуроний" жағмармаси маблағлари ҳисобидан:

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир мартаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецетпларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб, дори

Президент қарорига кўра

воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жаррохлик амалиётларининг харажатлари қопланади; оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецетпларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб, дори воситаларининг 50 фоизгача бўлган суммаси компенсация қилинади;

кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) жисмоний тарбия ва спорт билан шўғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади; давлат театрлари ва музейлари кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.

Барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган кекса авлод вакиллари билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида "Кекса авлод учрашувлари" мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этилади.

ТУРИЗМ

хизматлари учун
50 фоизгача

ЧЕГИРМАЛАР
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан юртдошларимиз беш кун дам олади.

Ушбу даврда аҳолининг юртимиз бўйлаб саёҳатга чиқиши, кўнгиладигдек дам олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, темирйўл транспортдан фойдаланишда йўловчиларга имтиёз берилди, сайёҳлик йўналишлари кенгайтирилди, жойларда кўпбал маданий тадбирлар режалаштирилди.

Вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, туристик транспорт хизматлари, умумий овқатланиш шохобчалари томонидан ҳам байрам кунлари чегирмалар эълон қилинмоқда.

Хусусан, жойлаштириш воситаларида 20 фоизгача, умумий овқатланиш шохобчаларида 22 фоизгача, туристик фирмаларда 35 фоизгача чегирмалар берилади.

Бундан ташқари, 19 март куни Жомбой туманидаги Кўнғирок маҳалласида улук-қўпқари мусобақаси ўтказилди. Унда совринга қимматбахо совғалар ва автомобиль қўйилган.

18 март куни Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Қабоб фестивали" об-ҳаво билан боғлиқ ҳолат туфайли 20 мартага қўчирилди.

Наврўз байрами тантаналари Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номи марказий истироҳат боғида умумхалқ сайли сифатида нишонланиши кўзда тутилган. Байрам тадбирларида маҳаллий ва хорижий туристлар иштирок этиши учун барча имкониятлар яратилган.

Бугуннинг гапи

да жойлашган 7 та кўча, 8 та хонадонни сув босди. Айрим кўп қаватли уйларнинг ертўлаларига ҳам сув кирган. Шунингдек, Булунғур туманидаги Амир Темур, Каттақўрғон туманидаги Мойбулок, Оқдарё туманидаги Бозоржой ҳамда Паст Дарғомдаги қатор маҳаллалардаги кўча ва йўللار, хонадон ва томорқаларга сув чиққанлиги аниқланди.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган 10 та махсус гуруҳ жойларда сел оқибатларини бартараф этмоқда. Бу борада бизга вилоят ободонлаштириш бошқармаси туман ва шаҳар бўлиmlлари ишчи ва транспортлари билан ёрдам бермоқда. Улар кўмағида сув босган кўча ва йўллари тартибга келтирилди, ўндан зиёд хонадон ва ертўлаларда тўпланиб қолган сувлар чиқариб ташланди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Вилоят Матбуот уйида ташкил этилган анжуманда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умид Аҳоров тошқин, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Вилоят гидрометеорология марказининг 11-16 март кунлари сурункали ёғин ёғиши айрим ҳудудларда сел ва тошқинларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларига асосан мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чоралар кўриб қўйилган.

- Табиат бизни яна синовдан

ТАБИАТ СИНОВИГА ТАЙЁРМИЗМИ?



ўтказмоқда, - дейди Умид Аҳоров. - 3 кундан бери тинимсиз ёғаётган ёғин Ургут, Булунғур, Қўшработ, Оқдарё, Паст Дарғом туманлари, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида сел ва тошқинларни келтириб чиқарди. Ёгингарчилик даврида қутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида барча туманларда тезкор штаблар ташкил этилган. Сел келиш хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда 17 та назорат-қузатув постлари ташкил этилиб, алоқа воситалари билан таъминланган. Фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар бошқармалари билан ушбу постлар ўртасида тезкор вазият бўйича мунтазам алоқа алмашинуви йўлга қўйилди.

Тезкор штабларга сув босган ҳудудлар аҳолиси томонидан йигирмадан зиёд мурожаат келиб тушди. Жумладан, 15 март куни Самарқанд шаҳридаги Шодиёна, Суғдиёна, Сиёб маҳаллалари ва Кимёгарлар қўрғони-

ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

таълим соҳасида меҳнат
қилаётган ҳамкасблари ва
бутун юртимиз аҳлини

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.



«SAMARQAND KAMALAK INVEST TEKSTIL»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

жонажон Ватанимиз истиқболи
учун меҳнат қилаётган
юртдошларимизни

НАВРЎЗ

БАЙРАМИ

билан табриклайди.



Махсусотлар сертификатланган.

UZTELECOM

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

мижозлар ва
ҳамкасбларни баҳор
байрами

НАВРЎЗ

билан табриклайди.



ПАХТАЧИДА ТАХРИРИЯТНИНГ РЕКЛАМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШОХОБЧАСИ ОЧИЛДИ!

Пахтачи туманида "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари ўқувчилари кўп. Уларнинг талабларидан келиб чиқиб, туман маркази - Зиёвуддин шаҳарчасида ушбу газеталар учун реклама ва эълонларни қабул қилиш шохобчаси очилди.

Энди пахтачиликлар "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари учун реклама, эълон ва билдириш (йўқолган ҳужжатлар, табриклар, миннатдорчилик хатлари каби)ларни Самарқанд шаҳрига бормасдан, мазкур шохобча вакили орқали беришлари мумкин.

МАНЗИЛ: Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси.
Телефонлар:
(93) 317-86-57, (97) 922-86-57.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Иштихон туманидаги "LADY CLAS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307607424) ўз устав фонди миқдорини 5 136 320 000 (беш миллиард бир юз ўттиз олти миллион уч юз йигирма минг) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга камайтироқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Иштихон тумани Иштихон кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Тойиров Алишер Эргашевичга (2020 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтидан 2012 йилда Хушвақтов Жўрабек Хайдарович номига берилган рўйхат рақами 328, В № 631644 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан 2020 йилда Абдурахмонова Гулдаста Улиғбек қизи номига берилган ТМ № 0717147 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 92-умумий ўрта таълим мактабининг гербли думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Ибрагимов Ғайрат Лутфилла ўғли номига берилган U № 5905174 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 44-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Умуров Эргашали Алишерович номига берилган ТМ № 0207134 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2017 йилда Мингбоева Гўзал Зайнидиновна номига берилган рўйхат рақами 75, К № 4679434 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 22-хунар-техника билим юртидан 1993 йилда Жумаев Рашид Мирзоевич номига берилган № 220723 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон педагогика коллежининг гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд Сибё тиббиёт коллежидан 2013 йилда Кучқорова Дилдора Алишер қизи номига берилган рўйхат рақами 508, К № 1716003 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ветеринария медецинаси институти академик лицейидан 2021 йилда Исмаилов Илҳом Шодмон ўғли номига берилган рўйхат рақами 154, L № 0045724 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий

ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИНГ!

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиалига тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида тендер эълон қилинади.

1. Мультиспирал компьютер томография (МСКТ, 1 ед) ускунаси. Баҳоси - 6 600 000 000 (олти миллиард олти юз миллион).

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 144-уй.

Телефонлар:
+99866-234-04-03,
+99893-297-28-38.

марказидан 2017 йилда Бойқобилова Ҳилолабону Шуқуриллоевна номига берилган рўйхат рақами 1368, QT № 014869 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Олимжонов Юлдуз Олимжон қизи номига берилган UM № 0137714 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Жўрақов Сардорбек Нематулла ўғли номига берилган U № 4256759 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2018 йилда Раззаков Улуғбек Элбекович номига берилган рўйхат рақами 584, К № 5102651 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Ишова Гулноза Ахмадалиевна номига берилган U № 0535388 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ерқулова Гузал Бахтиёровна номига берилган U № 1659488 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туман ахборот технологиялари касб-хунар коллежидан 2019 йилда Эштурсунов Жавлонжон Икромжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 229 К № 5572995 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

XV asr adabiy jaraёnida temuрий хукмдор Султон Хусайн Бойқаро қатори шаҳзодалардан бири Шоҳғариб Мирзонинг ҳам ўз ўрни бор. Шоҳғариб Мирзо Ғарибий тахаллуси билан ғазаллар ёзган.

Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт



Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари, "Фарҳод ва Ширин" достони ва Бобурнинг "Бобурнома" асарида у тўғрисида маълумотлар берилган. Шоҳғариб Мирзонинг адабиёт гулшанига кириб келишида Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс. У Ғарибийнинг бошқа temuрий шаҳзодалар орасида ўз ўрнини топиб кетишига алоҳида эътибор қаратади. Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонининг бир бобини Шоҳғариб Мирзога бағишлайди. Боб Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳғариб Мирзо мадҳи билан бошланган. Бобнинг сарлавҳаси "Салтанат шажарасининг самараси ва хилофат боғининг шажараси, хидоят авжиди манзил этган, тамаллуқнинг ниҳоятига етган, риё қасри бунёдидин кўнкоргон, балоғат айвонида от чиқоргон, яъни султонзода олам Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодир халлада давлатуҳу мадҳида бир неча сўз сурмак ва насиҳатомиз нуқталар арзга теғурмак, умид улким бу шоҳвор дурларни туфроғдин олғай ва адосида кулоқ солғай, балки ул гарномоя гавҳарларни қулоққа солғай" деб номланишидан унинг панд-насихат тарзида эканлиги аниқлашади. Навоий мазкур бобда Шоҳғариб Мирзони илм олишга чақиради ва мамлакат бошқарувидаги муҳим томонларни баён этиб, Мирзо Улуғбекни

ўрناق қилиб кўрсатади. Алишер Навоий шаҳзода илм олишга чақирганда, ушбу ўғитларни ўқиради: *Қуёшлиқ истасанг касби камол эт, Камол гар касб этарсен, бемалол эт. Киши таълимдин торса малолат, Топар илм аҳли олинда хижолат. ...Эрурсен шоҳ — агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен.* Ғарибий ғазалларида дунё, инсоний муносабатларга шоирнинг муносабати ўзгача қиёфада намоён бўлади, шунга боғлиқ ҳолда кўнгул, ёр, бода, ишк, ийд каби кўплаб сўзлар кенг маънода, яъни бир ўринда ўз маъносиди, бошқа ўринда эса мажозий маънода қўлланилган. Шоир ижодида қўлланилган бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишк ва ирфон рамзи бўлиб келади. Ғарибий ғазалларида дунё, инсоний муносабатларга шоирнинг муносабати ўзгача қиёфада намоён бўлади, шунга боғлиқ ҳолда кўнгул, ёр, бода, ишк, ийд каби кўплаб сўзлар кенг маънода, яъни бир ўринда ўз маъносиди, бошқа ўринда эса мажозий маънода қўлланилган. **Сўлаймон ҲАЛИМОВ, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси.**

Отaxonнинг содда, самий, оддийлиги, одамларга бўлган ишонувчанлиги саксон ёшида ҳам қолмади.

Нафақа пулларини оларди-ю, неваралари, ўғил-қизлари, кўни-қўшниларига ўйлаб ҳам ўтирмасдан бериб юбораверарди. Қарабисизки, ой охирига келиб, ўзи бир чақасиз қолар, бировлардан қарз сўрашга ботина олмай, уялиб, кўп кийинчилиги муҳтожликларни кўрарди. Ахир қайси эс-хушли одам чўнтагидаги бор пулини сўраган таниш-нотаниш, яхши-ёмонга валламатлик билан улашиб юборади? Чолдаги бундай саховатпешалик отаси — Жуман "жаржок"дан ўтиб, вужудига сингиб кетганда. Отаси элнинг энг обрўли, кўнглида кири йўқ, хушчақчақ одами эди. Ичида гап турмас, дўстлари мугомбирлик билан ҳазиллаб сўрашса ҳам "қорасандиги"да қанча бойлиги, захира пуллари борлигига айтиб қўярди. Хашаматли ҳовлиснинг эшик-тешикларига ҳамма учун очик эди. Отаси отга эгар ясовчи уста бўлиб, от ишкисозлари, чавандозлар бу машаққатли меҳнат билан ясалган, чидамли, пишқ эгарларни олтин баҳосида сотиб олиб кетишарди. Падари бузрукворидидаги бу моҳир эгарчилик хунари ҳикоямиз қаҳрамони Сафар отага ҳам ўтган ва у ҳам аллақачон юртнинг энг таниқли эгарчи устасига айлиниб улгурганди. Аёлини севиб уйланди, бир умрга касб-кори орқасидан тўкин-сочин, бахтли яшади. Ҳозир ҳам шундай, аммо Сафар ота отамерос қўли очик, саховатпешалик одатини ташлай олмади. Қанча кўп сочсанг, шунча кўп терасан, — дерди қария. — Ҳамён-



нинг оғзини қанчалик "тамбалаб" бекитсанг, пулинг шунчалик бекадр, бебарак бўлади. Чўнтагинда бўлса, сўраган одамга пулни бер, хожатини чиқар, у фирибгарми, кўзбўямачими, яхши одамми, товламачими, бунинг заррача аҳамияти йўқ, бировдан тиланчи ёдмига бир нима сўраш" инсон учун осонмас, болам! Шу ҳолни кўрсам, кўча четида музтар ўтирган тиланчи ёдмига келиб, эзиламан. У ахир ўз қондошларидан ночорлиги сабаб чақа тиланяпти, жониворлардан эмас-ку! Фирибгарми, яхши одамми, шу сўраётган нарсага муҳтож! Муҳтожлик балоси эса Худонинг ҳеч бир бандасининг бошига тушмасин, бу жуда оғир савдо, болам. Кўнглинг агар оқ бўлса, кўнглингда қиринг, ғаразинг бўлмаса, Худо бу қилган яхшилигингни бирига ўн, юз қилиб қайтаради. Буни отам мисолида кўрганман. Қилни қирғиб, ойлаб, туну кун кўз нурларини тўкиб, минг азобда ясаган каштали эгарларини у киши бева-бечора, мадада зор одамларга ҳеч иккиланмасдан, огринмасдан

туфҳа қилиб юборардилар "жаржок"-лиги тутса. Ох! Олтин пулига тенг "қуйма" эгарлар эди-я! Отам раҳматлик тўксон ёшларида ҳам буюртма эгар ясарди. Агар у киши шу хунари орқасидан топган пулларини қурумсоқлик билан мисқоллаб йиққанларида борми, бой Хорундан кам бўлмас, олтин жувоҳирларга ботарди. Аммо ундай қилмади, эл-улусга толганини, борини сочди. Эл ҳам тўй-маърака, яхши-ёмон кунларимизда борини берди. "Сочсанг — терасан, берсанг — оласан" деган ҳикматнинг мазмун-маъноси шудир, эҳтимол. Ўзим-чи? Бор пенсия пулларини сўраганларга улашавериб, сўмга, чақага муҳтож қоламан гоҳо. Илло, бу ҳаёт бўзгигача бойлик-ка ботиб ётган одамларга ҳам тасалли бериб, тўғри йўлга сола олади. Ҳар дарёдил одамнинг қалби покиза, гўзал, кенг бўлади. Вақти-соати келиб, бир жойга жамланиб, одамзодга қулоқ эшитмаган соғломлик,

Шифокор мулоҳазаси

узок умр, жаннатии ҳузур-ҳаловат туҳфа этади. Яратган синовлари, ҳаёт чиғриқларидан ўтдингми, бурлиб-суралиб, энди яшашни, тўғри яшашни ҳам бил! Минг азоб билан етилиб, тўла ҳосилга кирган мевали дарaxтнинг олтинранг мевалари шу қадар тотли, баракали бўладики, у ҳаммани тўйдирди! Чунки унинг бағри кенг, дили дарё, қалби пок, шу сабабли ҳам ҳеч бир тама, имоларсиз, чин дилдан борини ҳаммага улашади. Мангу боқийлик, абадийлик ҳам худди мана шу бағрикенг, кенг феълликдади! Узок умр, мутлақ соғломлик ҳам худди мана шу ерда, дарёдил кенгфеъл, одамда касаллик нима қилсин?! Касалликнинг "емиши" — ичи танг, зиқ одамлар-ку! Тошга қара, қанчалик босиқ, жим, бироқ хисси-ётли, жон бор унда ҳам гўёки, қалб бор, қувонч бор, қайғу бор, Аллоҳдан умидворлик бор. Тоғлар ҳам, боғлар ҳам жонли, тирив ва худди мана шу хилда Аллоҳнинг руҳи, нурлари, мутлақ гўзаллиги билан йўғрилган. Тош ҳам, тоғлар ҳам, боғлар ҳам маърифат — Аллоҳ гўзаллигини ҳаммага улашади, дарёдилларча... Бу гўзаллик тугамайди, туганмасдир! Сен эса... Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд айтганларидек, ҳеч қурса шам бўлгин, шам! Мана ўша ҳикмат: "Ноошён бўлгин-да, шамдек куйиб, ёниб, элга маърифат нурларини таратиб, ўзинг қоронғуликда яша. О, болам, Аллоҳнинг маърифат нурларини таратмоғинг учун қалбан пок, гўзал бўлмоғинг лозим. Қалбан пок бўлгин — муродинга етгайсан. Кўнглингни кенг қўй...!" **Муродим УМРЗОҚОВ.**



Ҳар бир ялқов киши кўрқок ва ғайратсиз келади; ҳар бир ғайратсиз кўрқок ва мақтанчоқ келади; ҳар бир мақтанчоқ кўрқок, ақлсиз ва нодон келади; ҳар бир ақлсиз нодон, орсиз келади; ҳар бир орсиз, ялқов кимсадан сўрамсоқ (тиланчи), тўймас, хунарсиз, ҳеч кимга дўстлиги йўқ кимса бўлади.

АБАЙ.

Бизга вояга етган соғлом одамда 32 та тиш бўлади, деб ўргатишган. Бироқ бу анча эскирган маълумот. Замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан инсон учун 28 та тиш меъёр ҳисобланади. Баъзи-да рудиментар (қолдиқ) тишлар ўсиши ҳисобига микдор 32 тагача етиши мумкин.

Ақл тишини қачон олдириш керак?



Инсониятнинг стоматологик тарихига назар ташласак, шундай манзара пайдо бўлади: қадимда одамлар хом гўшт, илди, ўсимликларнинг қаттиқ поясини узок чайнаш орқали кун кечирган. Бунинг ортидан уларнинг жағи ва оғиз бўлиғи ҳозирги замон одамнинг жағидан бир мунча кенгрок бўлган. Шу сабабли тепада 16 та ва паства яна шунча тиш бемалол ўрнашган. Бироқ вақт ўтиши билан одамлар иссиқ таом тановул қилишга ўтди ва чайнашга қулай катта юзали озиқ тишлар йўқола бошлади. Шунингдек, инсон мияси ҳам ҳажман катталашиб, жағ суягини бирмунча сиқиб борди. Барча жараёнлар натижасида жағ соҳаси кичрайди. Энг четки чайнайдиган тишлар — учинчи озиқ ёки "саккизинчи"лар кераксизга айланди. Хусусан, ҳозирга қунда аксарият одамларда ақл тишлари йўқ. Лекин ҳаммада ҳам эмас. Баъзи одамларнинг жағида ортиқча жой бўлмаса ҳам, ушбу рудиментар тишлар милкни тешиб чиқишга уринади. Одатда, бу ҳолат

болалик даври тугагандан сўнг, 17-25 ёшда содир бўлади. Айнан шу сабабли, учинчи озиқлар ақл тишлари номини олган. Ақл тишларини олдириш шартми? Йўқ. Инсон танасида бошқа рудиментлар ҳам мавжуд ва организм улар билан келишиб, яшаш вази-фасини жуда яхши удаллайди. Масалан, думғаз суяги, кўричак ёки қулоқни қимирлатиш имконини берувчи мушаклар. Шифокорларнинг таъкидлашича, рудиментлар сизга нуқуллайлик туғдирмаса, уларга тегмаган маъқул: жарроҳлик амалиёти асорати сиз кутган фойдадан ёмонроқ бўлиши мумкин. Ўсиб чиққан ақл тишлар соғлом ва сизга нуқуллайлик туғдирмаса, тўлиқ ўсган, тўғри жойлашган бўлса, (вертикал ҳолатда: илди ичкарида, тожи ташқарида), тазалаш осон бўлса, олдирмаган маъқул. Жағда ақл тишлари учун етарли жой бўлганда ҳам олдириш шарт эмас.

Алишер АҲРОРОВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти юз-жағ хирургияси кафедраси ассистенти.

Муштарий фикри

МАҚОЛЛАРИМИЗ ДУНЁГА ИБРАТ БЎЛА ОЛАДИ

"Беш қўл баробар эмас", халқимизнинг тилидан тушмайди-ган бу мақолни хорижий тилларга тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди. Сабаби, тасниф илими бизнинг қонимизда бор, ундаги "қўл" сўзи бармоқни, бармоқлар эса инсонларни англатишини ёш болаларимиз ҳам билишади. Аммо бошқа халқлар учун бу тушунарсиз бўлиши мумкин.

Масалан, мақолни рус тилига таржима қилсак, "Пять пальцев не равны" бўлади. Бунда "қўл" сўзини "бармоқ" сўзига алмаштирамиз. Эътиборлиси, мақолнинг бу шаклдаги таржимаси барча

халқлар учун тушунарли бўлади ва улар томонидан эркин ишлатилиши мумкин.

Албатта, бошқаларда ҳам шунга ўхшаш мақоллар бор. Мисол учун, рус миллати "В семье не без урода" мақолидан фойдаланади. Аммо бу мақолни биз ишлата олмаймиз. У ўзбек тилига тўғридан-тўғри ёки "юмшатилиб" таржима қилинса ҳам, маъно жиҳатдан тор ҳисобланади. Турли халқларнинг тили, маданияти ва дунёқарашидаги ўзига хосликлар шундай вақтларда яққол намоён бўлади.

Қаҳрамон НАМАЗОВ, Иштихон тумани.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Алам кўнгилинг энг қаъридаги кучли вулқон. Порлайди, кўринмайди. Оқибат ўз соҳасини адо қилади.

- ***
- Сирингни бегонага айтдингми, яна битта душман ортирдинг.
- ***
- Кин, адоват, хусумат ва ҳасад оловини ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди.
- ***
- Қўлидан яхшилик қилиш келмаган одам нуқул ёмонлик қилади.
- ***
- Табиятдан ташқари бўлган барча нарса кўнгили майлига бўйсунди.
- ***
- Ғийбатчининг асосий қуроли физку фасоддир.

Ўринбой НОРМАТОВ.

Paxtachi tumanidagi 25-bolalar musiqa va san'at maktabida 76 nafar o'qituvchi 468 nafar o'quvchiga an'anaviy, estrada va akademik xonandalik, tasviriy san'at, xoreografiya, haykaltaroshlik, yog'och o'yimakorligi singari 13 yo'nalish bo'yicha saboq bermog'ada.

Maktabning eng yosh muallimasi Marjona Nosirova Samarqand san'at kollejinii tamomlagan. Ayni vaqtda u bolajonlarga fortepianodan saboq berish barobarida Navoiy pedagogika institutining cholg'u ijrochiligi bo'limida sirdan tahsil olmog'ada.

Izzatulla NORQUVATOV olgan surat.

Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма

- Аҳволим чаток, раис бобо, - дея маҳалла оқсоқолига юзланди тadbirkor. - Дўконимга яна ўғри тушди. Ўзингиз ёрдан қилмасангиз бўлмайди. - Яна ўша дўконда ўғирликми? Минг марта айтдик, ҳой, барака топкур, дўконингга кузатув камераси қўй, деб. Фақат бир хил гап: "Эртага шу матоҳни қаердан бўлсам топиб келаман", дейишдан нарига ўтмайсан. Қара, бугун яна мулзам бўлиб, келиб ўтирибсан. Минг афсуски, шунга ўхшаган воқеаларни эшитпаимиз, кўряимиз. Пайариқ тумани мисолида оладиган бўлсам, 2020 йилда 61 та жиноят содир этилган бўлса, 2021 йилда жиноятлар сони 123 тага етган. Уларнинг аксарияти ўғирлик билан боғлиқ. Маҳаллаларда ички ишлар ходимлари билан шунча тарғибот ишларини олиб борсак-да, жиноятлар камаймаяпти. Маҳаллалар кесимида оладиган бўлсак,

Тараққиёт, Дўстлик, Алишер Навоий номи, Накурт, Зарafшon, Полвонарик маҳаллаларида жиноятлар сони ошган. Фидокор, Жувозхона, Истиклол, Шўртепа, Дарвишқ маҳаллаларида эса аксинча, икки йилдан буён биронта жиноят содир этилмаган. Афзалликлари тушунтирилиб, тарғибот ишлари олиб борилиши натижасида маҳаллалардаги 352 нафар тadbirkorлик субъекти кузатув камералари ўрнатди. Кузатув камераси бор тadbirkor хотиржам. Иш жойига ким келяпти, ким кетаяпти, ҳаммасидан хабардор. Агар ўғирлик ёки шунга ўхшаш ҳодиса содир бўлса, айбдор бирдан топилади-қўяди. Халқимизнинг "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма", деган нақли бежиз айтилмаган-да.

Нуриддин ҚАРШИЕВ.

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 013 nusxada chop etildi. Buyurtma 182. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxonа manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda